13 ИЮЛ 1992

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 133 (21. 232) 1992 йил 8 июль, чоршанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ИСЛОМ КАРИМОВ ТАКЛИФИ БИЛАН

Суратда: Ўзбекистон делегацияси аъзолари.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

«Бу Каримовдан нимани кутишни ҳам билмайсан!». Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлат бошлиқларининг 6 июлда Москвада ўтган учрашувини ёритиш учун келган журналистлардан бири худди шундай гапни айтди. Уни тушуниш мумкин. Иш тартибига кўра, учрашув собиқ «Октябрский» меҳмонхонасида — «Президент-отел»да тўрт соат давомида ўтиши керак эди. Лекин Президент Каримов қатъий иш тартибини... бузди.

Тафсилотига тўхталмай, давлат бошлиқларининг фикрларинигина келтириб ўтамиз.

Борис ЕЛЬЦИН: «Бу учрашув МДҲ тарихида бурилиш бўлди. Мусатақил давлатларнинг ўзаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларига таллуқли жуда муҳим ҳужжатлар имзоланди. Биз Ислом Каримовнинг кўп томонлама тинчликни сақлаш кучларини барпо этишга таллуқли таклифи туфайли музокараларни давом эттирдик. Ҳамдўстлик учун бу ҳаётий муҳимдир!».

Асқар АКАЕВ: «Кун тартиби аниқ белгилаб қўйилганига қарамай, у кенгайиб кетди. Бунда Ислом Каримов «айбдор». У қатъият билан барча давлат бошлиқларини жуда муҳим сиёсий ҳужжатни қабул қилишга ишонтира олди».

Нурсултон НАЗАРБОЕВ: «Учрашув аниқ натижалар берди. Биз муштарак бир фикрга келдик. Бунда ҳам кўп жиҳатдан Ўзбекистон Президентининг қатъияти намоён бўлди».

Леонид КРАВЧУК: «Биз бир-биримизни тушуна бошладик».

Булар МДҲ давлат бошлиқларининг журналистлар билан учрашувда айтилган гапларидан олинди. Лекин шуниси қизиқки, учрашувда Ислом Каримовга бирорта ҳам савол берилмади. Ҳолбуки, учрашув иш тартибининг бузилишида Ислом Каримов «айбдор»лигини журналистлар билар эдилар.

ЎзА мухбири уйига қайтаётиб, самолётда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан суҳбатлашди.

— Ислом Абдуғаниевич, муболаға қилмаймиз, лекин МДҲ кўп томонлама кучларини барпо этиш тўғрисидаги таклифингиз, назаримда, фақат сиёсатшуносларга ва журналистлар орасида эмас, шу билан бирга давлат бошлиқлари орасида ҳам «довул» қўзғади. Бунга олдиндан тайёргарлик кўрганмидингиз ёки бадиҳами?

— Олмаота, Минск, Киев, Тошкент... давлат бошлиқларининг учрашувлари. Учрашув кетидан учрашув. Ҳар бир раҳбар ўз фикрини айтди, ўз йўлини ҳимоя қилди. Бу эса тушунарлидир. Мустақилликка эришилгач, ҳар бир давлат пировард натижада ўз манфаатларини ва мақсадларини кўзлайди, аммо умумий, умумбашарий қадриятлар ҳам бор!

Миллатлараро можаро, аниқроқ айтганда, Молдовадаги, бошқа минтақалардаги уруш, Тожикистонда одамларнинг ҳалок бўлиши... Жиноятчилик авж олмоқда, жамиятда ажралиш содир бўлмоқда. Сиёсий раҳбарлар эса жаҳоншумул муаммолар тўғрисида гаплашиб олиш учун тўплашяпти. Хўш, инсон қаерда қолди... Ҳа, ҳозир жуда қийин. Нарх-наво ошиб бормоқда, энг зарур моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаяпти. Лекин булар вақтинчалик. Энг даҳшатлиси шундаки, одамларнинг ишончи қолмаяпти, қўли ишга бормаяпти. Ҳар қандай «қора кучлар» бундан фойдаланмоқдалар. Бу ҳолнинг давом этиши мумкин эмас. Шу сабабли МДҲ давлат бошлиқларининг учрашувида мен қатъий равишда: можароларнинг олдини оладиган восита зарур. Қонли воқеаларнинг авж олишига йўл қўймайдиган чинакам куч зарур. Ҳамдўстликнинг кўп миллатли кучлари ана шундай чинакам куч бўла олади, дедим. Очиғини айтаман: мустақил давлатларнинг раҳбарлари аввалига бу таклифни «совуқ» кутиб олдилар. Шу боисдан мен бу муаммони бир неча бор қатъият билан ўртага қўйишга мажбур бўлдим.

Биласизми, олий даражадаги учрашувда айрим масалалар кўриб чиқилаётганда ҳар бир томоннинг далиллари ишонарли туюлади. Лекин бундай ёндашув ҳозир мақбул эмас. Барча масалаларни жамлаб олиш, иккинчи даражали масалаларни асосийларидан ажратиб ташлаш керак!

— «Президент-отел»даги мажлислар залига қайтайлик. Ельцин ҳам, Кравчук ҳам, Назарбоев ҳам, яъни МДҲ йирик давлатларининг раҳбарлари бу масалани ўртага қўйишмадими, кенгашнинг қатъий иш тартибини бузишмадими?

— Мустақил республикаларнинг раҳбарлари учун мен жавоб бермоқчи эмасман, лекин Ҳамдўстликда бундай вазиятнинг яна давом этиши мумкин эмас. Бир неча ой орқага қайтайлик. Ёдингизда бўлса, ўшанда мустақил республикалар раҳбарларидан айримлари: МДҲ — афсона, МДҲ — сунъий равишда тузилган ҳамдўстликдир, деган эдилар. Мен бундай ёндашувларга қарши эдим. Тарихни қайтадан ёзиб чиқиш мумкин эмас. Бунинг устига тарихнинг ҳар бир саҳифасини халқларнинг бир неча авлодлари ёзишган.

Ҳозирги вақтда энг муҳими — қарама-қарши туришни тўхтатиш, тотувликка эришишдир. Бундан буён ҳам қон тўкилишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди! Ахир ғам, қасос туйғуси пировардида нафратни келтириб чиқаради. Ана ўшанда ҳеч қандай панд-насиҳат фойда қилмайди.

Одамлар қаерда яшамасинлар, — Молдовадами, Арманистондами, Озарбайжондами, — бир нарсага — ҳимоя қилинишларига ишончлари комил бўлиши керак. Бинобарин, бу масъулият сиёсатчилар зиммасига тушади. Москвадаги кенгашда мен келтирган далиллар мана шу. Яшмайман: бу масалани ҳал этишда менинг қатъий туришимни МДҲ давлатларининг раҳбарлари қўллаб-қувватлаганидан мамнунман. Баъзи бировлар мени гапга кўнмайдиган қайсар дейишлари мумкин. Эҳтимол, уларнинг гапи тўғридир. Менинг ҳаётий тажрибам ҳамиша ҳақиқатни гапириш кераклигини кўрсатиб турибди. Аччиқ, ачинарли бўлса ҳам ҳақиқатни гапириш керак! Майли, у кўп одамларга ёқмасин, аммо вақт ўтгандан сўнг сени тушуниб олишади, шугина эмас, қўллаб-қувватлашади. Бундай қилиш осон эмас, албатта. Бинобарин, мен тутган бу йўлимдан қайтмайман.

— Одатда кенг доирадаги газетхонлар ва телетомошабинлар мустақил давлатларнинг бошлиқлари тўпланадиган мажлислар зали эшиклари беркитиб қўйилса, у ерда нималар бўлганидан бехабар қоладилар. Москвада — Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги хўжалик судининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу қандай суд, у нима билан шуғулланади?

— Биз сифат жиҳатидан янги, таъбир жоиз бўлса — маърифий даражага чиқмоқдамиз. Хўжалик суди қатъий ва холис ҳакам бўлиши керак. Биз бу билан янгилик кашф этганимиз йўқ. Европа ҳамжамияти худди шундай қоида асосида ишлаяпти.

— Армия масалалари эса... улар бир даста эдику?

— Тафсилотларига тўхталиб ўтирмайман. Энг муҳими: чегаралар бор ва улар даҳлсиз бўлиб қолаверади. МДҲ ҳудудига даҳл этилишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз Тожикистонда вужудга келган муаммоларга кўп вақтимизни сарфладик...

— Ҳамдўстликнинг кўп томонлама кучларини барпо этиш тўғрисидаги таклифингизга қайтайлик. Бу куч кимлардан иборат бўлади, улар қандай вазифаларни бажаради?

— Тошкент ҳамиша тинчлик шаҳри бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабли бир неча кундан сўнг МДҲ мамлакатлари ташқи сиёсат ва ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарлари Ўзбекистон пойтахтида тўпланадилар. Барча воситалар шу ерда ишлаб чиқилади. Ҳамдўстлик ҳудудида ҳунрезлик дарҳол тўхтатилиши керак! Эътиборингизни яна бир муҳим жиҳатга қаратмоқчиман. Собиқ Иттифоқ парламентининг мажлислари қандай ўтганини эслаб кўринг. Ўзбекистон делегациясини ҳамиша лоқайдликда айблашарди. Энди замон бошқа. Давлатимиз воқеаларнинг ортида судралиб қолмоқчи эмас...

— Ислом Абдуғаниевич, энди бошқа бир нозик муаммо — сизнинг характерингиз тўғрисида гапирайлик. Кўп одамлар сизни чиқиша олмайдиган, ўжар киши дейишади...

— Гапингизни тушундим. Гўё мен демократияни, турли ҳаракатларни «буғяпман»... Мен тутган йўлни турлича талқин этиш мумкин. Лекин бир нарсани ҳисобга олишни сўрайман: Мен ўз халқимни севаман ва у яхшироқ яшаши учун мумкин бўлган хамма ишни қиламан. Ишончим комилки, тез орада халқимиз яхши яшай бошлайди! Кўп миллатли Ўзбекистон диёрида миллатлараро можаролар бўлмаслиги керак. Инсонийлик, инсонпарварлик — одамларимизнинг руҳиятига хос асосий фазилатлардир.

— Ҳамдўстлик давлат бошлиқларининг кенгаши яна бир воқеага — Нурсултон Назарбоев туғилган кунга тўғри келди. Билишимча, сиз Қозоғистон боргоҳига бориб, уни табрикладингиз...

— Ҳа, у жуда ҳурсанд бўлди. Нурсултон Абишевич шунчаки зўр сиёсий арбоб эмас, балки ажойиб инсон ҳамдир. Ҳузурига бориб, эзгу истақларимни айтишни ўз бурчим, деб билдим. Очиғини айтсам, биз бу воқеадан хабардор эдик, унга олдиндан тайёрланган эдик. Қозоғистон Президентига мусаввир Жавлон Умарбеков чизган ажойиб суратни ва Нурсултон Абишевич тасвирланган гулдонни ҳадя қилдик. Ахир, халқларимиз фақат қўшни эмас, улар биродар халқлардир.

... Тошкентга ярим кечада етиб келдик. Лекин Ўзбекистон Президенти ёрдамчиси билан эрталабга мўлжалланган долзарб ишлар рўйхатини келишиб олган эди. Эртага эрталаб у Хельсинкига — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши инсон ҳуқуқлари комиссиясининг мажлисига жўнаб кетади.

Ислом Каримов мулозаматни тан олмайди, ваъда беришни ёқтирмайди. Унинг кучи ҳам мана шунда бўлса керак...

Москва — Тошкент.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВА АВТОМОБИЛЬ МАШИНАСОЗЛИГИ КОНЦЕРНИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тармоқда кўп йил ҳалол меҳнат қилганлиги, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги ва жамоат турмушида фаол иштирок этганлиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»:

Беляев Владимир Александрович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Ерзин Ильдар Ҳасанович — Тошкент агрегат заводининг таъмирчи-чилангари

Жуков Александр Александрович — Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари

Пайзиев Баҳодиржон Обидович — Тошкент агрегат заводи директори ўринбосари

Пўлатов Зоир — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси токари

Рисматов Абжабор Жапарович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси чилангари

Уринов Иван — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси токари

Хоназарова Нафиса — «Чирчиқсельмаш» заводининг қуюв цехи ишчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»:

Асатов Ҳамидулла — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Ҳокумжонов Аҳмаджон Ёқубжонович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлик бюроси бошлиғининг ўринбосари

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

рационали

Азизов Тўлқинжон Абдулҳакимович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси

Бабайлов Виктор Николаевич — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчи-қолипловчиси

Бегалиев Камолтой Қошқартоевич — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

Бельченко Людмила Григорьевна — Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

Будаев Александр Владимирович — «Чирчиксельмаш» заводи директори

Васильев Мстислав Александрович — Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмаси техника бўлимининг созловчиси

Власов Александр Алексеевич — «Чирчиксельмаш» заводининг қолипловчиси

Дроздов Анатолий Дмитриевич — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси автоматлар ва ярим автоматлар созловчиси

Иброҳимов Латиф — «Чирчиксельмаш» заводи монтажчиси

Интанкин Иван Иванович — Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи

Эргашев Жўрабой Аширович — «Чирчиксельмаш» заводи касаба уюшмаси комитетининг раиси

Кох Виктор Яковлевич — «Чирчиксельмаш» заводи бош муҳандиси

Кузнецов Александр Григорьевич — Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг назоратчиси

Маёқубов Ҳусан Каримович — «Чирчиксельмаш» заводи конструкторлик бюросининг бошлиғи

Мераҳмедов Маклан — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг герметиклик синовчиси

Мирсодиқов Ўсканбой Рисқалиевич — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси токари

Мусаев Раҳимбой — «Чирчиксельмаш» заводи электр пайвандчиси

Пак Владимир Михайлович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси термогальваника цехи чилангари

Панченко Олег Викторович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси назорат ўлчов асбоблари ва автоматлар чилангари

Пархоменко Сергей Александрович — «Чирчиксельмаш» заводи токари

Ражабов Раҳмонқул — Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

Ражибоев Нишонбой Ўрмонович — «Чирчиксельмаш» заводининг мутахассиси

Рихсиев Рустам Обидович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси трактор йиғув цехининг синовчи-ҳайдовчиси

Сиддиқов Соли Солиевич — Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси

Тараскин Андрей Емельянович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси токари

Ҳайдаров Мирвоҳид — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тракторчиси

Ҳасанова Сафимма — «Чирчиксельмаш» заводининг бурғуловчиси

Чеховский Лев Никодимович — Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Москвич» кичик корхонасининг устаси

Шокирова Ҳазира Харисовна — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғув цехининг бутловчиси

Шиховцев Виктор Григорьевич — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бурғуловчиси

Эшонқулова Мавжуда Юсуповна — «Чирчиксельмаш» заводининг чарҳловчиси

Эйсмонт Леонид Брониславович — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош конструктори — махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи

Ёқубов Миртурғун — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ускуналарни таъмирлаш чилангари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 июль.

ХДП: ПАРТИЯЛАРАРО АЛОҚАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ ГФРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Маълумки, шу йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримов Халқаро социал-демократик партиялар бирлашмаси — Социалистик интернационал вице-раиси, Германия социал-демократик партияси раҳбари Ханс-Йохен Фогелни қабул қилди. Мазкур учрашувда Ўзбекистон ХДП ва Социнтерн, ГСДП ўрталарида ўзаро муносабатлар ўрнатиш хусусида келишиб олинган эди.

Шунга кўра, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Ханс-Йохен Фогелнинг таклифига биноан 6 июль куни Тошкентдан Германия Федератив Республикасига жўнаб кетди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

● Хабар бериб ўтилганидек, 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг, концернлар, уюшмалар ва банкларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда Туркия Республикаси томонидан ажратилган кредитлардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш чоралари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. С. Азимов маъруза қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси раҳбарлари ўртасидаги аҳдлашувга мувофиқ Туркиядан қарзга 2 миллион тонна дон, 250 минг тонна шакар, дори-дармон, халқ истеъмоли моллари, ҳаммаси бўлиб 595 миллион доллар маҳсулот сотиб олиш тўғрисида битим имзоланди. Бу қарз уч йил мобайнида қайтарилиши керак.

Туркия Республикаси ажратган қарз ҳисобидан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги дон ва шакар харид қилиш юзасидан шартномалар имзолади. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Туркэкзимбанк ўртасида 250 миллион доллар миқдорида кредит битими тузилди.

Бу кредитларнинг республика учун иқтисодий аҳамияти, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида умумжаҳон қонунларига қатъий риоя этаётгани, бу соҳада республика ҳукумати катта иш олиб бораётганини таъкидланди. Туркия Республикаси кредитларидан самарали фойдаланиш ва уларни ўз вақтида қайтариш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

— Бу кредит Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан буёнги биринчи кредитдир, — деди А. Муталов. — Кредит қарз, демакдир. Бунга масъулият билан ёндашишимиз керак. Биз ҳаммамиз ана шу қарзни узиш йўлларини излашимиз даркор.

Туркия Республикаси кредитларидан фойдаланиш стратегияси ҳақида, валютага олиб келинган молларга нарх-наво белгилаш, бу борада ҳорижий давлатлар тажрибасини қунт билан ўрганиш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон маҳсулотларини дунё бозорига олиб чиқиш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Ана шу маҳсулотларни четга чиқариш учун кенг йўл очиш зарур. Айниқса, ҳозирги пишиқчилик даврида ўлкамиз боғ-роғларида етиштирилаётган ноз-неъматларни жуда бўлмаса тажриба сифатида ҳорижий мамлакатларга жўнатиш керак. Мажлисда ана шу маҳсулотларни қайта ишлашга мўлжалланган янги технологиялар яратиш масаласига ҳам эътибор жалб қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 1992 йилда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Мазкур масала хусусида Ўзбекистоннинг тараққиёти истиқболини белгилаш комитети раиси вазифасини бажарувчи В. И. Саковнинг маърузаси ҳамда «Ўзшартномасавдо» уюшмаси раиси Т. Я. Шариповнинг қўшимча маърузаси тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

МИЛЛИОН ЖУФТ КАЛИШ

● ЯНГИ ҚУҚОН кимё заводи атроф-муҳитга катта зарар етказганлиги учун тўхтатилган эди. Шу заводнинг бир қисмида калиш ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ.

Бу масалада Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ёрдамга келди. Ангренлик мутахассислар қўқонликлар билан бирга ускуналар ўрнатдилар. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилдилар. Қўқонлик ишчилар Ангренга бориб, калиш ишлаб чиқариш технологияси билан танишиб, малака ошириб қайтдилар. Апрель ойининг ўрталарида корхонада дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Янги цехнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳозирча йилига 500 минг пойабзални ташкил қилади. Кейинги навбат ишга туширилиши билан йилига бир миллион жуфт калиш истеъмолчига етиб боради.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот учун АХБОРОТИ

● 1992 йил июнь ойи Ўзбекистон Республикаси ҳаётида халқаро алоқаларда ёрқин воқеаларга бой бўлди. Улардан энг муҳими Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезия Республикасига расмий ташрифларидир.

Зеро, бу сафарлар жараёнида Ўзбекистон олий мақом делегацияси мазкур давлатлар раҳбарлари билан мамлакатлар ўртасида алоқалар асослари, савдо ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, илмий-техникавий ҳамкорлик, сайёҳлик соҳасида ўзаро манфаатли шартнома ва битимларга келишилдики, улар ўз навбатида ушбу ҳужжатларни имзолаган барча давлатлар халқлари фаровонлигини таъминлашда муҳим босқич бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқдир.

27-28 июнь кунлари Покистон Ислом Жумҳурияти Бош вазири Муҳаммад Наваз Шариф бошчилигидаги Покистон ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очиб, ушбу сафар чоғида давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисида Шартнома, савдо ва иқтисодий алоқалар тўғрисида ҳамда илмий-техникавий, фан, сайёҳлик соҳаларидаги муносабатлар тўғрисида Битимлар имзоланди. Мазкур ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг кенг уфқларини белгилаб берди. Давлатлараро муносабатларни янада кенгайтириш мақсадида Покистон Бош вазири Муҳаммад Наваз Шариф ташрифи чоғида Покистон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасида элчихонаси очилди. Ушбу воқеа арафасида мазкур давлатнинг фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

(Давоми иккинчи бетда).

1 сентябрь— Республика Мустақиллиги куни

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ НОМИ БИЛАН ЎЗБЕКЛАРНИКИ!

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТДА ЯШАМОҚЧИ ЭКАНМИЗ, БОШҚА ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲАМ МУҲОФАЗА ЭТИШИМИЗ, УЛАРГА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР КЎРСАТИШИМИЗ ЗАРУР

ОЛИЙ КЕНГАШ РАЕСАТИ КЎП МИЛЛАТЛИ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ҲОЗИРГИ ПАЙТНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИНИ ЧУҚУР АНГЛАБ ЕТАДИ, РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИНИ ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ, ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДА, ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАДИ, ДЕБ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қароридан).

• НАЗМ ДАФТАРИДАН •

БУ КУН ЧИҚДИ ЮЗАГА

Дилни эзган кадарлар бу кун чиқди юзага,
Барча ҳавфу хатарлар бу кун чиқди юзага.

Номукаммал Ватаннинг тупроғин суртиб кўзга,
Севган жону қадарлар бу кун чиқди юзага.

Тилин ютган юртимда эсиб ҳурлик шамоли,
Забун, эеру забарлар бу кун чиқди юзага.

Уз миллатин шаъни деб, иқболи чун юртининг,
Қонлар ютган жигарлар бу кун чиқди юзага.

Ҳаётида ўзидан ўзгани ҳеч кўролмас,
Уни душман атарлар бу кун чиқди юзага.

Гуноҳини билмасдан кўзин юмди нечалар,
Совуқ машъум хабарлар букун чиқди юзага.

Саодатдан гап очдим дуч келганга жилмайиб,
Ютганим—хун, заҳарлар бу кун чиқди юзага.

Ҳеч жойдан қолишмагай, бор ўз урфу одати,
Туркистондай шаҳарлар бу кун чиқди юзага.

Ўтмишни мадҳ этганга ғаним деб от қўйдилар.
Ёзилган кўп асарлар букун чиқди юзага.

Э, Исмоил, овоз бер, ҳушёр тортсин дўст-ёринг,
Элинг кўрган зарарлар бу кун чиқди юзага.

ҲАЙРОН ҚОЛДИНГ СЕН...

Шунча кездим, ҳар дилда бир армон кўрдим,
Оҳ, қандайин масту-аласт даврон кўрдим.
Лекин айтиб ўтсам мен бир мўъжизани,
Биродарлар, ичмайдиган полвон кўрдим.

Сирожиддин Саййиднинг «Мўъжиза» шеъридан.

Атрофимиз ўраб олган карахтлар, мастлар,
Дилларидан сўниб, ўчган орзу ҳаваслар.
Армон билан юраклардан ёғилгай саслар,
Ичмаганни кўриб, укам, ҳайрон қолдинг сен.

Мосуводир букун кўплар номус, виждондан,
Йўл йўқотгай баъзан осон қучилган шондан,
Ҳар қандайин оғир дамда диндан, имондан
Кечмаганни кўриб, укам, ҳайрон қолдинг сен.

Қўниб ўтдинг йўл-йўлакай бир лаҳза, бир он,
Меҳринг тортди бизлар ўсган оддий хонадон,
Сафдошларинг бижғиб ётар, шуҳратни осон
Қучмаганни кўриб, укам, ҳайрон қолдинг сен.

Бу дунёда дуч келгансан ҳар хил синовга,
Панд егансан ишониб гоҳ дўстга, бировга,
Ваъдасидан қайтганлар кўп, сохта мақтовга
Учмаганни кўриб, укам, ҳайрон қолдинг сен.

Эзгу инсоф тилагайсан ўтган-кетганга,
Ҳаёлингни бир зумгина ошно этганга,
Бардошлардан йўғрилган эл, ўзга Ватанга
Кўчмаганни кўриб, укам, ҳайрон қолдинг сен.

Яхшиямки собитлар бор, узоқ хавф-хатар,
Ҳайратдамиз тўғри зотни учратсак агар,
Тарихлардан номларимиз ҳозирга қадар
Учмаганни кўриб, укам, ҳайрон қолдинг сен.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ.

• ШОГИРДЛАР КАЛОМИ •

ЁРҚИН УМР ЙЎЛИ

● Серқуёш ўлкамиз тўқимачилик ва енгил саноати тараққиёти йўлидаги заҳматкаш фидойилардан бири — Мақсуда Аъзамовна Ҳожинова эди. Ҳаётда ажойиб из қолдирган, она юрти мустақиллигини орзулаб яшаган, Республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, таниқли олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, ажойиб педагог, талабчан раҳбар ҳаёт бўлганда саксон ёшга тўлган бўлар эди.

ТИНИБ-тинчимас, билимга чанқоқ, изланувчан, заковатли бу аёл 1932 йилда Москва шаҳридаги Г. В. Плеханов номли халқ хўжалиги институтида ўқиб юрган кезлари илмий фаолиятини бошлади. У тола, ип газламаларнинг сифатини ошириш соҳасини қунт билан ўрганиб, кейинчалик бу мавзуда қўлланма ёзди. Ундан ҳозиргача олий ўқув юртлари талабалари дарслик сифатида фойдаланмоқдалар.

Техника фанлари номзоди деган илмий даражани олиш учун ёқлаган диссертациясида олима намликнинг пахта иплари хусусиятига таъсири масалаларининг назарий ҳамда амалий жиҳатларини таҳлил қилди. 1946 йилдан бошлаб Тошкент тўқимачилик институтининг «Толали материалларнинг механика технологияси» кафедрасида аввал ассистент, сўнгра доцент бўлиб ишлади. М. Ҳожинова ўзининг илмий изланишлари билан пахтачилик, хусусан тўқимачилик фани ва саноатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. 16 йил мобайнида Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ректор бўлиб ишлади. Ўрта Осиёда ягона бўлган бу билимгоҳ унинг раҳбарлигида тобора кенгайди. Янгидан-янги кафедра ва факультетлар ташкил топди. У институт янги биносини, талабалар шаҳарчасини, замонавий лабораторияларнинг бунёд этилишида ҳам ибратли ишлар қилди. Наманган ва Андижон шаҳарларидаги институт шоҳобчаларининг ташкил топишида ҳам унинг ҳиссаси катта бўлди.

Халқимиз шогирдсиз одамни мевасиз дарахтга ўхшатади. М. Ҳожинова бошчилигида тарбия топган юқори малакали мутахассислар бугун турли илмий ташкилотларда, корхона ва олий ўқув юртларида самарали меҳнат қилиб, республика истиқлолига хизмат этмоқдалар. Жумладан, устоз ўзи раҳбарлик қилган кафедрада аниқ йўлланмага эга бўлган илмий марказ—мактаб яратдики, унда қатор истеъдодли шогирдлар ўзларининг илмий-педагогик, раҳбарлик фаолиятларини такомиллаштириб келмоқдалар.

М. Ҳожинова кўп йиллик илмий кузатишларини якунлаб, 1959 йилда Москва тўқимачилик институтида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. У ўзбек хотин-қизлари орасидан биринчи бўлиб техника фанлари доктори деган илмий даражани олишга муяссар бўлди. Олиманинг бу тадқиқоти пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноати, конструкторлик бюроси, илмий-текшириш ва диссертация ишларида ҳамда турмушга жорий этилиб, кенг қўлланиб келмоқда. Устоз 150 дан ортиқ илмий асар яратди, қатор китоблар унинг қаламига мансуб. У бир неча авторлик гувоҳномаларига эга бўлди. Унинг раҳбарлигида ўттиздан ортиқ фан номзодлари ва фан докторлари диссертация ёқладилар.

Ажойиб олима бутун таланти, куч-ғайратини ёш авлодни тадбиркор, одобли, ахлоқли, билимдон муҳандис қилиб тарбиялашга бағишлади. Шу боис уни студентлар ғоят севар ва ҳурмат қилар эдилар. Ҳалиҳали эсимда: меҳрибон раҳбар-онахонимиз тез-тез талабалар шаҳарчасига кириб, ётоқхоналардан хабар олар, айниқса, ёш қизлар билан суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказардилар. Талабалар, ўқитувчи, хизматчиларнинг бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам алоҳида ғамхўрлик қилар эди. Ўзбекистоннинг хушманзара, сердарахт тоғлар орасига жойлашган Бўстонлиқ ноҳиясининг Хумсон қишлоғида студентлар учун ёзги спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, хизматчилар, ўқитувчилар учун дам олиш уйи ташкил этишда ҳам раҳбарлик қилгандилар.

М. Ҳожинова жамоат ишларида фаол қатнашди. У ўзи яшаган маҳаллада хотин-қизларга бош-қош, маслаҳатгўй, фаол аёллардан эди. Маҳалла аҳолисининг илтимосига кўра, институтимиз ташаббуси билан у яшаган «Бўржар ёқаси» кўчасига ҳозир М. Ҳожинова номи қўйилди. Институтимизда музей ташкил этилган, факультетларда М. Ҳожинова номидаги стипендиялар жорий қилинган.

Халқимиз ҳаётда яхшилик билан ном қолдирган М. Ҳожинованинг Ўзбекистонда маданий қурилиш, фан тараққиёти, тўқимачилик ва енгил саноати учун муҳандис кадрлар тайёрлашдаги фидокорона, самарали фаолиятига юқори баҳо берди.

Умрлар бўладики, унинг нурини бутун халқ, олам кўриб туради, умрлар бўладики, ундаги нурни ўш одамнинг ўзидан бошқа ҳеч ким кўра олмайди. Устознинг умр йўли ибратли бўлиб, халқимизга, ёш авлодга покиза виждон билан хизмат қилиш йўли бўлди.

Ҳ. АЛИМОВА,
Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ректори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот учун АХБОРОТИ

• Мустақиллик ишчанликни ёқтиради •

УМИДИМИЗ КАТТА

Мустақил республикамиз равнақини маҳаллий саноатимиз истиқболисиз тасаввур қилиш қийин. Шундай экан, маҳаллий саноатимиз рўбарў келаётган муаммоларга ўз муносабатимизни билдиришга бурчлимиз.

Тўғри, Ўзбекистон мустақилликка эришди. Лекин иқтисодиёт тизимида ҳамма нарса мустақиллик йўлига тушиб кетди дейишга ҳали эрта. Бунинг учун мавжуд аҳволни чуқур таҳлил этиб, тараққиётнинг устивор йўналишларини ишлаб чиқиш ва сабот билан амалга ошириш лозим. Зотан, ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилади, дейиш хато бўлур эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқдаги иқтисодий аҳвол ҳақида жиддий шуғулланиш зарурати кучайиб бормоқда. Нима қилиш керак! Мухбирларимиз шу хусусда Андижон вилояти маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи О. СОДИҚОВ билан суҳбатлашдилар.

— Аввало, вилоят маҳаллий саноати аҳволи ҳақида икки оғиз гапирсангиз?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида бошқармамиз жумҳуриятда ҳам пешқадамлар сафида эди. Шаҳрихон атлас тўқиш, Қорасув ва Асака тикувчилик фабрикалари, Андижон тикувчилик ва Олтинкўл халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмаларида маҳсулот тайёрлаш йилдан-йилга кўпайиб борарди. Иқтисодий жиҳатдан ҳам бақувват эдик. Бозор иқтисодиётига умид билан кириб келгандик. 1990-1991 йилларда бошқармамиз бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режалари ошириб бажарилганлиги, корхоналаримизнинг рентабеллик даражаси ва фойда олиши юқори бўлганлиги ана шундан далолатдир.

Шунга қарамай, биз бозор иқтисодиётининг баъзи жиҳатлари, хусусан, хом ашё ва моддий-техника ресурслари таъминотидаги бўлажак нуқсонларни олдиндан сезиб, қатор тадбирларни амалга оширгандик ва бу муҳим ишни ҳозир ҳам давом эттирмоқдамиз. Кейинги икки йил мобайнида 15 та шаҳар ва район саноат комбинатларини ташкил этдик. Андижон районида аҳолидан тери сотиб олиб ошлаш, қайта тайёрлаш ҳисобига ундан курткалар тикишни, жун сотиб олиб эса рўмоллар тўқишни йўлга қўйдик. Асакада аҳоли ва хўжаликлардан асал сотиб олиб, уни харидорларга шиша идишларга қуйиб сотишни ташқил этдик.

Шаҳрихон атлас тўқиш фабрикасининг битта биносини бўшатиб, пиллани қайта ишлайдиган — ипак тайёрлайдиган корхонани ишга туширишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир дастгоҳларни ўрнатиш давом этмоқда. Қорасув тикувчилик фабрикасида ҳам худди шу мақсадда иш бошланди.

Ойим қишлоғида йилига 2 минг тонна ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган йигирув фабрикаси қурилишини бошлаб юбордик. Олтинкўл халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмасида қорамол, қўй ва мўйна терилларидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фабрика қуришни режалаштирганмиз. Хитойлик мутахассислар билан бу борада шартнома асосида иш бошладик.

Хуллас, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун талайгина амалий ишлар қилинмоқда. Бироқ ўтган йилдан бошлаб хом ашё ва моддий-техника ресурслари нархларининг кескин ошганлиги, бу йил эса эркин нархларнинг жорий этилганлиги ҳамма соҳада бўлгани каби маҳаллий саноат корхоналарида ҳам иш маромини издан чиқариб юборди. Уларнинг иқтисодий аҳволини тобора мушкуллаштирмоқда.

— Нархларнинг кескин ортиши кўпчиликни ташвишлантириб қўйди, демоқчисиз, чоғи?

— Тўғри, эркин нархлар жорий этилгандан кейин корхоналаримизга юборилаётган хом ашё, техника жиҳозлари ва ускуналарнинг нархлари кўтарилиб кетди. Буни қаранг, атлас тўқиш учун ишлатиладиган бир килограмм табиий ипак 1990 йилда 135 сўм турарди, ўтган йили 450 сўмга, бу йил 995 сўмга тўғри келмоқда. Ахир 30 фоизлик қўшимча нарх билан қарийб 1300 сўмданга тушмоқда.

Россия ва Украинадан олинаётган сунъий ипакларнинг бир килограмми эса 1990 йилда 4,77 сўм бўлса, бу йил 200 сўмга кўтарилиб, 30 фоизлик қўшимча билан эса 260 сўмданга тўғри келмоқда. Қолган хом ашёлар ҳам худди шу каби юқори нархларда келтирилмоқда. Пахта ипининг ва газламаларнинг нархлари 15-20 мартадан, баъзилари эса ундан ҳам кўпроққа ортди. Аёнки, корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам ўз навбатида қимматга тушяпти. Масалан, бир метр атлас 85—102 сўмгача тушяпти. Бунга 30 фоизлик қўшимчани қўшиб ҳисобласак, бир метр атласнинг баҳоси 132 сўмга тўғри келади.

Бошқа турдаги маҳсулотларнинг нархлари ҳам аввалгига нисбатан 10-30 мартагача ортди. Янги тартиб бўйича савдо ташкилотлари ҳам корхоналардан олинган маҳсулотларни 20 фоизлик қўшимча билан пештахтага чиқармоқдалар. Шулар натижасида маҳсулотларимиз нархи осмонга чиқиб кетаётир.

— Айтишларича, «чайқов» бозорида бир метр сифатли атласни 90—95 сўмга олиш мумкин экан. Магазинда эса ўзингизга маълум—132 сўм. Қизиқ ҳол, бунга нима дейсиз?

— Гапингизда жон бор. Кейинги пайтларда савдо базалари, давлат савдоси шаҳобчалари ва матлубот жамиятлари маҳсулотларимизни олишдан ўзларини тиймоқдалар. Шу боисдан омборхоналарда ҳозир юз миллион сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулот тахланиб ётибди. Шундан ярмига яқини Шаҳрихон атлас тўқиш фабрикасида. Корхона хом ашё ва жиҳозлар етказиб берувчилардан 28 миллион сўм, банкдан эса 30 миллион сўм қарздор бўлиб қолди. Ҳатто атлас тўқиш фабрикасида ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳам банкдан қарз олиш ҳисобига тўланмоқда.

— Демак, корхоналар омборлар учун ишлаётган экан-да?

— Агар аҳвол шу тарзда давом этаверадиган бўлса, уч-тўрт ойдан сўнг тайёр маҳсулотларимизнинг ҳажми 300—400 миллион сўмликдан ортиб кетади. Ўзингизга маълум, маҳсулот омборда қанчалик узоқ турса, сифати шунчалик пасаяверади. Иккинчи томондан ҳадеб корхона банкдан қарз олаверса, вақти келиб бу қарзларни қўшимчаси билан тўлашга тўғри келади-ку!? Оқибатда корхона инқирозга юз тутади ва ёпилиб қолиши турган гап.

Уни қайта тиклаш учун эса ўн йиллар керак бўлади. Бундай инқирозли вазиятнинг юзага келишига сабаб, жумҳуриятимизда солиқ сиёсатининг мукаммал эмаслигидир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, қайси давлатда солиқ сиёсати тўғри юритилса, унинг иқтисодиёти мустаҳкамланиб бораверади, ишлаб чиқариши равнақ топаверади. Жаҳон солиқ сиёсатида давлат, корхона ва халқ манфаатлари уйғунлашган. Бизда эса бу тартибга бир ёқлама риоя қилинмоқда. Оқибатда кимнингдир чўнтаги қаппайиб, кимникидир бўшамоқда.

— Солиқ ҳақида гап очдингиз, мисоллар билан тушунтириб берсангиз?

— Масалан, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган атлас ва гиламларни олиб кўрайлик. Гилам ишлаб чиқаришдан келган фойданинг 15 фоизи давлатники, тайёр гиламларга яна 30 фоиз солиқ қўшилади. У ҳам давлат ҳисобига кетади. Бундан ташқари ҳар бир квадрат метр гилам учун 250 сўм миқдорда ацис ҳам олинади.

Савдо ташкилоти эса буюмларни шу нархлар устига 20 фоиз қўшимча билан сотади. Натижада маҳсулот нархи ўта қимматлашиб, магазинга кирган харидор гиламдан юзини ўгиради. Ўзбекчиликни биласиз, ўғил уйлаш, қиз чиқариш, барчасига гилам керак. Магазинларда юриб биронта бечорахол гилам харид қилаётганини учратмадим. Маҳсулот сотилмай қолгандан кейин корхона ҳам, давлат ҳам зарар кўриши табиий. Кўп йиллик тажрибамга таянган ҳолда айтишим мумкинки, бизда солиқ сиёсати тўғри йўлга қўйилмаган. Демак, тармоқдаги иқтисодий инқироздан қутулишнинг дастлабки йўли атлас, гилам ва атласдан тикилган тайёр кийимларга 30 фоизлик солиқни бекор қилсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ҳақда биз тегишли юқори идораларга мурожаат қиляпмиз. Аммо натижаси кўринаётгани йўқ.

Маълумки, агар товар ёки маҳсулот нархлари қиммат бўлиб, уни харидор суймаётган экан, нархни тушириш лозим ёки харидорбоп бозорни излаш керак. Бу борада биз бир эмас, иккита тўсиққа дуч келмоқдамиз. Биринчиси—лицензия, иккинчиси — божхона тўсиқлари. Масалан, ўз маҳсулотимизни вилоят ҳудудидан ташқарига чиқариш учун пойтахтга чопишимиз керак. Рухсатини олгач, божхона учун беш фоизли миқдорда бож тўлашимиз лозим. Мантиқан фикр қилсак, ўзимизда ўтмай қолган маҳсулот ёки товарларни четга чиқаришга рухсат бериш ҳамда атлас ва ундан тикилган кийимларга нисбатан божхона солиғини бекор қилиш керак. Энг ачинарлиси, шундай тўсиқ ва чеклашлар туфайли, маҳсулотларимизни республикамиздан ташқаридаги харидорларга сотолмай, тузилган шартномаларни бузишда айбдор бўляпмиз.

— Кейинги пайтларда баъзи турдаги маҳаллий саноат маҳсулотларини четга чиқариш учун лицензияларни бекор қилиб, бу борадаги ҳуқуқни вилоят ҳокимиятига берса мақсадга мувофиқ бўларди, деган фикрлар юрибди?..

— Буни қаранг, Қорасув тикувчилик фабрикаси ва Охунбобоев номли момиқ пахта ишлаб чиқариш бирлашмаси кўп тўсиқларга дуч келиб, ўзлари ишлаб чиқарган тайёр кийимлар ва пахталарни буюртмачиларга юборишда азият чекдилар. Лицензия олиш учун пойтахтдаги идоралар остонасида сарсон бўлиб кун ўтказдилар. Буларни ўйлаб, дарҳақиқат лицензия бериш ваколати вилоят ҳокимиятига ўтказилса, менимча ҳам тўғри бўларди.

Яна бир муаммо ҳақида гапирмоқчиман. Тўғри, биз купонга қарши эмасмиз. Чунки ҳозирги тақчиллик, нарх-наволарнинг қўшни республикаларга нисбатан турли хиллиги шуни тақозо этади. Аммо маҳаллий саноатчилар тайёрлаётган айрим маҳсулотларга купон жорий этилиши тўғри эмасдай туюлмоқда. Масалан, атласни олиб кўрайлик. Унинг асосий харидори ўзбеклар ва тожик миллатига мансуб фуқаролардир. Бунинг устига харидорларнинг кўпчилигини оддий колхозчи ва ишчилар ташкил этади. Шундай экан, бир кийимлиги 500-550 сўм турадиган атлас учун колхозчи ёки ишчи купонни қаердан олади? Атласни ташқаридан келиб улгуржи олиб кетадиганларнинг ўзи йўқ.

Шу сабабли атлас ва ундан тикилган кийимларни купонсиз сотишга рухсат берилса, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Айни вақтда савдо шоҳобчаларидаги устама фоизлар ва нархларни ҳам иложи борича пасайтириш керак. Бундай қўшимча йигирма фоизгача бўлиши белгиланган. Савдодаги «ишбилармонлар» эса доимо энг юқори фоизни белгилашни одат қилиб олишган.

Бошқармамиз фаолиятида яна бир муҳим муаммо мавжуд. У айланма маблағ масаласи. Маълумки, ишлаб чиқаришнинг йил сайин ривожланиб бориши ва айниқса нарх-навонинг ортиши натижасида ялпи маҳсулот ҳажми кескин ортиб, ўтган йили 213,4 миллион сўмликни ташкил этди. Шу йилнинг дастлабки тўрт ойида эса бу миқдор 550 миллион сўмликдан ортди. Агар эркин нархларнинг жорий этилганлигини ҳисобласак, бу йил ялпи маҳсулотимизнинг нархи 1,5 миллиард сўмга етади. Лекин айланма маблағимиз ҳажми аввалги йиллардаги даражада қолиб кетди. Ҳозир бу миқдор 24 миллион сўмдан иборат бўлиб, умумий маҳсулотимиз ҳажмига нисбатан икки фоизни ҳам ташкил этмайди. Ваҳолонки, мавжуд тартиб-қоида бўйича айланма маблағ ҳажми 15 фоиз белгиланиши керак.

Табиийки, ялпи маҳсулот ҳажмига нисбатан айланма маблағнинг озлиги ишлаб чиқаришни кенг ривожлантириш имконини бермайди. Фаолиятимизни кишансиз боғлаб қўяди. Бундай ҳолда биз банкдан кўплаб қарз олишга мажбур бўламиз ва банк эса ҳар доим ҳам биз режалаштирган миқдордаги қарзни беравермайди. Олинган қарзни эса кўпайтириб қайтаришга мажбурмиз.

● Хуллас, маҳаллий саноатдаги инқирозни назарда тутиб, бу муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун вилоят ҳокимлиги, республика Маҳаллий саноат вазирлигига бир неча бор мурожаат этдик. Афсуски, ҳанузгача бу масалалар ўз ечимини топмай қолаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Мўътабар ташкилотларнинг масъул раҳбарларидан газета орқали ёрдам сўраётган эканмиз, улардан умидимиз катта. Маҳаллий саноатимиз тақдири ҳақида гап кетганида мураккаб, долзарб масалаларни эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини яна бир бора эслатишни лозим топаман.

Суҳбатни: «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари Анорбой ҚУРОНБОЕВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ ёзиб олишган.

• Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ҳузуридаги матбуот шўъбаси хабар қилади

«Туркия бизга — 595 миллион доллар кредит ажратди
яна — 1 миллиард доллар ажратмоқчи,
Испания — 1 миллиард доллар,
Англия — 700 миллион доллар,
Германия — 500 миллион доллар кредит ажратди.

бу кредитларнинг катта қисмига Ўзбекистонга энг илғор технологиялар келтирамиз».

(Ислом КАРИМОВнинг XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқидан).

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ҚАНОТИДА

Ўзбекистонни иқтисодий инқироздан олиб чиқиш, бозор иқтисодиёти асосида уни индустриал тараққий этган давлатлар даражасига кўтариш шу кунда республика раҳбарияти олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Бунинг жиддийлигини тасаввур қилиш учун Туркия иқтисодий мўъжизасининг асосчиларидан бири, Туркия Президенти Турғут Ўзолнинг бир гапини эслаш лозим деб ҳисоблаймиз. Бундан 12 йил муқаддам Туркия ҳам Ўзбекистондек оғир шароитда бўлган пайтларда у: «ё бозор, ё ўлим!» деган шиор билан чиққан эди.

Бизнинг иқтисодчиларимиз ҳам Ўзбекистоннинг турли ривожланиш йўлларини тавсия этмоқдалар. Ҳар бир дастурнинг муҳим томонларини қайд қилган ҳолда, бир мавзу устида алоҳида тўхтаб ўтмоқчи эдик. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз қайси йўлдан бормайлик бу муҳим тадбирни четлаб ўта олмаймиз. У ҳам бўлса, ишлаб чиқаришга янги замонавий технологияларни жорий этиш масаласидир.

Маълумки, ривожланаётган мамлакат тараққиёти суръати шу давлатнинг янги технологияларни сотиб олишга қанча маблағ ажратаётгани билан белгиланади. Хўш, шундай экан, бу масалага Ўзбекистонда қандай аҳамият берилмоқда? Республика бюджети камомади шароитида бунинг қандай имкониятлари топилмоқда?

Куни кеча республикамизга иқтисодиёт соҳасидаги Нобель мукофотининг лауреати, Корея Республикасидаги «Дэу» корпорациясининг Президенти Ким У Жун келиб кетди. Ўзаро келишув асосида Корея корпорацияси 100 миллион доллар ва Ўзбекистон ҳукумати 100 миллион доллар маблағ ажратиб, Асакада уч турдаги енгил машиналар ишлаб чиқарувчи автомобиль заводи қуришга қарор қилинди. Корея корпорацияси раҳбарининг ваъдасига биноан келгуси йилнинг охирига бориб Асака заводи конвейеридан дастлабки машиналар туша бошлайди.

Замонавий фан ва техника ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги технология кам меҳнат ва хом ашё сарф қилган ҳолда жаҳон бозорида рақобат қилаоладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Юксак талабларга жавоб берадиган турли-туман маҳсулотларни дўкон пештахталарига қалаб ташлайди.

Бу гал биз республика машинасозлик корхоналари тизимида янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга бағишланган мавзу устида бироз тўхталиб ўтмоқчимиз.

Табиий бойликлар тобора камайиб бораётган ҳозирги даврда ҳар бир халқнинг турмуш даражаси ёқилғи тежайдиган, чиқитсиз технологияларни қанчалик кенг жорий этилганлиги, ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулот таркибида тайёр буюмларнинг миқдори қанчалиги билан боғлиқдир. Ўзбекистон шароитида бу кўрсаткич замонавий технологияларда ишлайдиган кўплаб кичик корхоналарнинг сони билан ҳам белгиланади.

Шу даврга қадар биз каттадан-катта иншоотлар қурсак, йирик корхоналар барпо этсак, улкан машиналар ишлаб чиқарсак, башарий муаммоларни ҳал қилсак бўлгани, қолганлари ўз-ўзидан ҳал бўлаверади, деб ҳисобладик. Улкан заводларни қурдик, миллион-миллион гектар ерларни ўзлаштирдик, катта-катта чорвачилик комплекслари барпо этдик.

Лекин миллион гектар ерлар шахсий томорқадан 2-3 баравар кам ҳосил берди, экологик экспертизадан ўтмаган йирик корхоналар ер, сув, ҳавони заҳарлади, айрим чорва комплексларидаги сигирлар эчкидан ҳам кам сут берди, озуқа танқислигидан вазнига етмаган моллар гўштга топширилди.

Ваҳоланки, оилага 25 сотих ер, молига бироз ем бериш, кичик техник мосламалар ишлаб чиқаришга иккинчи даражали иш деб қаралди. Йўқ, асло ундай эмас экан. Ахир буюк Американи кичик фермер хўжаликлари боқмоқда-ку. Мана, бизда ҳам бундай ишларга энди эътибор берила бошланди.

Тошкент трактор заводида йилига 2 минг дона кичик трактор ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех барпо этилмоқда. Уларга Хитой Халқ Республикасидан келтириладиган кичик двигателлар ўрнатилади. Бу тадбир — бутун Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудидаги фермерлар ва шахсий хўжаликларни томорқаларда ишлайдиган кичик тракторлар билан таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистоннинг имкониятлари кўп. Яқин-яқинларда дунёдаги энг йирик юк ташувчи самолётлар ишлаб чиқарган Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бизнесменлар, ишбилармонлар, тадбиркорлар учун 5-6 кишилик кичик самолётлар ишлаб чиқара олмайди, дейсизми! Ёки 100-120 от кучи қувватли двигателлар ишлаб чиқарадиган Тошкент мотор заводида кичик двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмасми?!

Маълумки, Ўзбекистонда 550-600 минг тонна шоли етиштирилади. Унинг пояси далада чириб кетади, ёқиб юборилади. Айни бир пайтда қўшни Синцзян Уйғур автоном районида шолипоядан ажойиб Хитой қоғозлари тайёрланмоқда. Биз эса 70 йилдан буён рус ўрмони қоғозига қараб қолганмиз. Қоғоз нархи осмонга кўтарилгандан сўнг бизда бутун бошли газеталар чиқмай, китоблар чоп этилмай, журналист, матбаачилар ишсиз қолмоқда. Ваҳоланки, шолипоядан целлюлоза олиш корхонаси қурилганда ҳам ўзимизни қоғоз билан таъминлар эдик, ҳам қўшимча иш жойлари пайдо бўлар эди. Бу шунчаки гап эмас. Тошкентдаги химия технологияси илмий-тадқиқот институтида жаҳон амалиётида қиёси бўлмаган микрокристалли целлюлоза ишлаб чиқарувчи янги замонавий технология яратилди. Бу ишлаб чиқаришга жорий этилса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб шундай юқори сифатли қоғоз берадиган қимматли хом ашё ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ўзбекистон катта илмий-интеллектуал имкониятларга эга. Яратилаётган кашфиётлар ҳам кўп. Масалан, Тошкентдаги «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасида диод кристалларини тайёрлашда ҳамда интеграл схема ғилофларига тилло суви юритишда қўлланадиган янги усул маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига мутлақо таъсир қилмаган ҳолда йилига қарийб 300 килограмм соф олтинни тежаш имконини беради.

Республика пойтахтидаги «Зенит» заводида эса Хитойдан келган мутахассислар билан биргаликда замонавий рангли телевизорлар йиғувчи линия ишга туширилди ва дастлабки 250 та телевизор ишлаб чиқарилди.

«Ўрта Осиё кабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида кабель маҳсулотлари чиқитини қайта ишлаш бўйича жорий этилган америкаликлар технологияси корхонанинг рангли металлга бўлган ички эҳтиёжини қондириш имконини берди. «Эльбор» бирлашмасида ташкил этилаётган қўшма корхоналарда эса сунъий олмосдан ясалган темир йўнувчи асбобларнинг фойдаланиш муддатини 3-5 баравар оширадиган турини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Қарабсизки, имкониятимиз ҳам бор, мутахассисларимизнинг ақл-заковати ҳам етарли, тадбирий-ташкилий ишларни жонлантириб юборсак, бозор иқтисодиётини кенг ва равон йўлига чиқиб оламиз ва ҳаётимиз бугунгидан анча енгиллашиб қолади. Бунга ишонч ва иштиёқ катта.

Шу йилнинг иккинчи ярмида республика ҳукумати тадбирларига кўра жами 5 миллион 200 минг долларлик (эътибор беринг, ишлаб чиқариладиган маҳсулотимиз Америка долларида ҳисобланмоқда) ҳамда 325 миллион сўмлик 35 та тадбирни жорий этиш мўлжаллаб қўйилган. Бу тадбирларда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилайдиган, атроф-муҳитни муҳофаза қиладиган экологик тоза технологиялардан тортиб ёқилғи ва хом ашё тежайдиган, сиз билан биз учун ниҳоятда зарур бўлган энг замонавий буюмлар ишлаб чиқарувчи технологиялар ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Бош вазири ҳузуридаги матбуот шўъбаси.

Фарғона вилояти. Бешариқ тикувчилик фабрикасида янги цех ишга туширилганлиги кўпчиликни қувонтирди. Бу ерда тажрибали тикувчилар аёллар кўйлаклари, халатлар ва бошқа халқ истеъмоли буюмлари тайёрламоқдалар.

Суратда: фабрика бош муҳандиси — Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти котибаси (чапдан) Маҳбуба Аҳмаджонова илғор тикувчи Ўлмасой Иноможонова билан.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

• ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН •

ПРОКУРАТУРА: КЕЧА ВА БУГУН

ЕКИ У ҚОНУН ИЖРОСИНИНГ ОЛИЙ НАЗОРАТЧИСИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

● ...1984—89 йилларда Иттифоқ прокуратураси йўлланмаси билан Ўзбекистонга юборилган юзлаб мутахассисларнинг аксарияти интизомсиз, маънавий бузуқ шахслар бўлиб чиқди. Улар юртимизга раҳбарлик лавозимларига жазо тариқасида «сургун» қилинган эди. Оқибатда мутахассислар билан ишлаш тизими издан чиқди, тажрибали маҳаллий терговчи-ю прокурорлар қувғин қилинди. Прокуратуранинг ўзи қонунни беписандлик билан буза бошлади. Инсон ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш, маҳаллий аҳолини қўрқувга солиш одамлар орасида прокуратурага ишончсизликни кучайтириб юборди.

АФСУСКИ, шундай бўлди. Лекин бу прокуратура раҳбариятидан эмас, собиқ Марказқўм томонидан олий даражада амалга оширилган тадбир эди. Ва, ҳатто, ўша кезлар собиқ Иттифоқ прокуратурасига қарашли марказий идораларга махсус эълонлар осилиб, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг органларига раҳбарлик лавозимларига умумий сафарбарлик айтилиб, борувчиларга 2—3 ой ичида турар жой билан таъминлашу барча масалада қўллаб-қувватлаш ваъда қилинган эди. Ўшанда Иттифоқ назарида ўзбеклар пораҳўр жиноятчи, саводсиз бўлиб қолишган эди. Афтидан, бу эълону сафарбарлик ҳам сиёсий шапкўрликнинг ҳосиласи бўлган. Республика прокуратурасини «ислоҳ» қилиш, шу юртни буткул мустамлакага айлантириш учун қилинган ҳаракат эдики, буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас. Бутурлин, Гайданов, Лаптев, Раков, Тёркин, Титаренко... Бу рўйхатни афсуски, истаганча давом эттириш мумкин. Уч йил ичида 62 киши раҳбар бўлиб ишга келгани-ю, шундан 20 нафари қисқа муддатда лаёқатсиз бўлиб чиққанини эътиборга олсак, фожиа қай даражада бўлганини ҳис этиш мушкул эмас. Улар тез орада уй-жойли бўлишгани ҳам, уй-жойларини болаларининг номига қолдиргани ҳам, сотгани ҳам рост. Ваҳоланки, ўзбеклар уй-жой олиш учун ўн йиллаб навбат кутишарди...

Масалан, Панковни олайлик, у Украинадан Тошкент шаҳар прокуратурасининг тергов бўйича муовини вазифасига олиб келинган, шаҳар марказидан уй олгач, бир йилга бормай унвони кўтарилди. Қайси хизматлари учун... ўзи ҳам билмайди. Д. Панков марказий меҳмонхонада суюқоёқ аёл билан маишату тўполон қилганда қўлга тушиб ишдан қувилган. Аслида эса у олдинги иш жойида жиддий хатоларга йўл қўйгани учун тўрт марта жазоланган экан. Бундан ташқари 1985 йил июнь ойида Тошкент шаҳар прокуророининг ўринбосари вазифасига Шепель тайинланди. У қонунчиликни бузиб, фуқароларни қамоққа олишга асоссиз рухсат бераверган. Қонун ҳимоячисининг бу хатти-ҳаракати уни ўз аризасига биноан ишдан бўшаб кетишига сабабчи бўлди. Улар кўра-била туриб атай қонунни бузсалар-да, силлиқкина ўз аризаларига биноан ишдан бўшатилиб, жавобгарликдан қутилиб кетишди.

Ўша пайтларда вилоят ҳуқуқини олган 15 та прокуратура бўлиб, шулардан 8 тасининг раҳбарлигига (республика прокуророининг ўз лавозимини ҳам ҳисоблаганда) Оврупо милламмида 350 ўриннинг 300—310 таси бўш қоларкан.

Бу ҳолдан, табиийки Кабиров ташвишда. Жамоада 120 хизматчию одам ишлаб турувди. Дам олувчиларнинг камайгани боис бўлиб, энди ҳар уч ходимдан иккитаси «дам оляпти». Улар эртага маош сўрашади. Маош дарёдан оқиб бораётган сув бўлмасаки...

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ларнинг ишини кузатсангиз, ғалати воқеаларга дуч келаверасиз. Навоийда вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи навбатдаги тезкор мажлисини ўтказаётиб «Европалик бўлмаганлар чиқиб кетишсин, бизнинг ўз гапимиз бор», деб очиқ эълон қилганди. Жиззах вилоят прокуратураси кадрлар бўлимининг бошлиғи лавозимига маҳаллий ходимимиз тавсия қилинганида сочини олдириб дўппи кийиб боргани учун республика прокуратурасидан қайтариб юборишган. Тасдиқдан ўтказишмаган. Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғидан жиноятчиликка қарши курашни нега сусайтириб юборилгани-ю камчиликларининг сабабини суриштиргганимда: «Мени бу ерга тартиб ўрнатиш учун Москва юборган, ҳисоб талаб қилишга ҳақларинг йўқ», деб туриб олган эди.

Тааммжубки, улар ўзларининг шовинистик қарашларини бекитишга уринмас эди. Чунки прокуратура раҳбарлари, ички ишлар тизимидаги ҳокимият ўзларникиси, Марказқўмда эса маъмурий органлар бўлим мудирлиги ҳам, шу соҳанинг эгаси Марказқўмнинг иккинчи котиби ҳам уларнинг ўз одами эди. Кучли тазйиқ шунга олиб келдики, мажлис ва бошқа йиғинларда маҳаллий миллатга мансуб раҳбар маърузасини ўзини ёмонлашдан, камчиликлари жуда кўплигини айтиб, уларни бартараф этиш учун астойдил ҳаракат қилаётганлигини ва бутун кучини билдирилган ишончни оқлашга сафарбар қилаётганидан бошлар эди. Шу ўринда бир ҳолатни айтмай иложим йўқ. Чунки бу нарса бизга қандай одамлар юборилганининг ҳақиқий исботидир. Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасининг тергов бўйича раҳбарлигига сурункали руҳий касаллиги бор шахс юборилган экан. У тезда аён бўлиб қолиб, ёпиқ руҳий касаллар шифохонасига жойлаштирилди. Прокуратура ишида 27 йил хизмат қилган, республика ва Иттифоқ прокурорлари томонидан мукофотланган, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос фахрий унвонига эга бўлган жиззахлик Турсунқул Суюнов диқовни ишдаги жузъий хатоси учун ишдан бўшатиб юборишган, беш йилдан кейин уни қайта ишга тикладик. Ҳозир Фарғона райони прокурори лавозимида ишлаётган У. Зоҳидовнинг бошидан ўтган воқеа эса жудаям ғалати... У 1984 йили малака ошириш олийгоҳида ўқиётганида отаси Болижон Козимов устидан жиноий иш қўзғатилиб, вилоят прокуророининг биринчи ўринбосари Галкин томонидан қамоққа олинади. Зоҳидов эса дарҳол ўқишдан чақирилиб, унга ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздирилади. Болижон Козимовнинг «иши» уч йил суд билан тергов ўртасида улоқиб, сўнг ҳаракатдан ётқизилади.

ХУШ, қилғиликни қилиб, жуфтакни рростлаб қолган бу кишилар жазодан қутилиб қолаверадиларми, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Йўқ, албатта. Уларга тегишли бўлган материалларнинг ҳаммаси Гдлян ва Ивановга нисбатан қўзғатилган жиноят ишида жамланган. Шу жиноят ишларини бизга беришларини сўраб қилган мурожаатларимиз ҳозирча натижа бермаяпти. Шу масалада шахсан ўзим Москвага бориб, ўша собиқ СССР Прокуратураси раҳбарлари Н. С. Трубин ва А. С. Побежимовнинг қабулида бўлган эдим. Лекин жиноят ишларини бизга топширишда турли баҳоналар билан бўйин товлашди. Аммо бу масала ҳали ҳам кун тартибидан чиқарилган эмас. Ўзбекистонда қонунсизликка йўл қўйган, фуқароларга ноҳақ жабр-зулм ўтказган кимсаларга нисбатан жазо қўллаш учун бор имкониятларни ишга солмоқдамиз. Бу иш давом этмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон Прокуратураси тўла янгиланиш босқичини бошлаб юборди. Сафимизни 40 фоизга янгиламоқдамиз ҳам бежиз эмас. Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси прокурорлари қошида мутахассисларни синовдан ўтказиб, ютуқ ва камчиликларига баҳо берувчи шаҳодат комиссияларини ташкил этдик. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 январь қарорига кўра, республика Прокуратураси қошида қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-терговчи ходимлар малакасини ошириш маркази ташкил қилинди. Бу ҳам ҳукуматимизнинг бизга амалий эътиборидир.

Қонун олдида ҳамма миллат вакиллари тенг. Бирини иккинчисидан устун қўя оламаймиз. Лекин прокуратурага бундан буён фақат шу тупроқнинг иқлимидан машаққатли иш йўқ. Бундан буён бизда тасодифий, кимнингдир илтимосию тавсияси билан келган ходимлар бўлмайди, барчасини ўзимиз ҳал қиламиз. Ва шу тариқа прокуратура ҳақидаги ҳар хил мишмишлару гап-сўзларга чек қўйилади. Бинобарин, республикамизнинг мустақиллик сари йўл тутиши прокуратура ходимларининг ҳам ишига, кайфиятига салмоқли таъсирини кўрсатмоқда. Қонунларни яқин давргача кимлар қабул қилган ва у кимларнинг манфаатини ҳимоя қилгани ҳеч кимга сир эмас. Бундан буён қонунлар ўзимизники, мустақил давлатимиз қонунлари эканлигини англаш, ҳар бир кишига руҳий қувват берар экан. Шу кунларда ходимларимиздаги кўтаринкилик, руҳий тетиклик ўзгача тусда. Алоҳида хавфли жиноятчиларни тергов қилишда, жиноий гуруҳларни фош этишда, умуман қонун ижросини буткул таъминлаш борасида прокуратурада ишлаётган барча кишилар фаоллик кўрсатишмоқда. Яқинда Тошкентнинг 1-сонли дастлабки қамоқ муассасасида сақланаётган К. Мусаев, Г. Жумаев, С. Мавриди ва Ю. Цигай исмли хавфли махбуслар уч кишини, шу жумладан бир аёлни гаровга олишиб, қурол-яроқ, автомашина ва ҳибсдан чиқариб юборишни талаб қилишди. Бу ғалати ва хавфли музокарада қатнашган республика прокуророининг ёрдамчиси Музаффар Мирсолиҳов гаровга олинганларни бўшатиш учун ўзини гаровга таклиф қилган эди. Жиноятчилар бу шартта кўнишмади, албатта. Ана шундан сўнг уларни зарарсизлантириш чоралари кўрилди. Ва бунга эришилди ҳам. Шунга ўхшаш фактларни кўплаб келтириш мумкин. Афсуски, прокуратурада фидойи, ўз ишини пухта билган ҳалол кишилар кўпчилик эканлигини одамларимиз яхши билишмайди.

Республика прокуратураси мустақил иш юритишни чигал ва мураккаб муаммоларни ҳал қилишдан бошлади. Булар биринчи навбатда республика ҳудудида жойлашганлигига қарамасдан марказга буйсундирилган прокуратуралар тизимини ўз ихтиёримизга ўтказиш эди. Бу вазифа деярли бажарилди.

Республикамизда жойлашган ҳарбий, темир йўл ва ҳаво йўлларида қонунларга амал қилиниши устидан назорат қилувчи нақлиёт прокуратуралари, ноёб қазилма бойликлар корхоналарини назорат қилувчи, қайта ишлаш тармоқларида фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган прокуратуралар тўлиғича ўз таркибимизга ўтказилди.

Илгари прокуратуранинг бутун фаолияти «СССР прокуратураси ҳақида»ги қонун билан тартибга солинар ва фаолиятимизнинг ҳар бир тармоғини Иттифоқ Бош Прокуророининг буйруқлари бошқариб, йўналтириб турар эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида кўриб чиқилди ва у умумхалқ муҳокамасига тавсия этилди.

Шунингдек, прокуратура ишига оид бошқа бир қатор қонун лойиҳалари тайёрланиб қабул қилишга тақдим қилинди. Улар фаолиятимизнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари бўлади. Собиқ Иттифоқ, яъни марказдан амалга оширилган моддий-техника, молия таъминоти ҳам аста-секин йўлга қўйилмоқда.

Албатта, мустамлака тузуми, марказ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни ҳам республикамиз, мустақиллигимиз йўлига мослаштириш, уларни ҳуқуқий давлатга мос равишда ўзгартириш борасида ҳам прокуратура бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Бу йўналишда ҳам бир қатор қонунлар жорий этиш ташаббуси масалалари билан чиққанмиз.

Ҳуқуқий-суд ислоҳотини амалга ошириш борасида ҳам прокуратура ўзига боғлиқ бўлган ишларни амалга оширишга тайёргарлик бошлаб юборган. Албатта, бу йирик вазифалар кундалик иш, яъни кейинги пайтда кўплаб қабул қилинаётган қонунларимизнинг Вазирлар Маҳкамаси, корхона, муассаса, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан оғишмай бажарилиши устидан назорат, жиноятчиларни тергов қилиш, Ички ишлар вазирлиги, Давлат Хавфсизлиги хизмати органларида тергов ва суриштирув устидан, судларда жиноят, фуқаролик, маъмурий ишлар бўйича қарорларнинг қонунийлиги устидан, озодликдан маҳрум қилиш, бошқа жазо ўташ жойларда қонунларга амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш билан қўшиб олиб борилмоқда.

Прокуратура асосий кучларни муҳим йўналишларда, яъни фуқароларни, айниқса, кам таъминланган табақаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни, Президентнинг шу йўналишдаги Фармонларининг ижросини ўз назоратига йўналтирмоқда.

Жамиятимиз, давлатимиз манфаатларига мувофиқ прокуратура олдида йирик, мураккаб вазифалар турибди. Уларни ҳал қилишда кадрлар ҳал қилувчи омил эканлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бу масалада адашишга йўл қўймаслик республика прокуратураси раҳбариятининг диққат-марказида турибди.

Нормейли НОРПЎЛАТОВ, Ўзбекистон Республикаси прокуророининг биринчи ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

Одобнома: муштарийлар мулоҳазаси

ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК

● Агар менинг ўғлим ҳаёт бўлганда эди, шундай жойга келган бўлармидим? Ҳай, бу дамига ҳам шукур.

Биз истиқомат қилиб турган қариялар уйида кўплар қатори Кумушой деган қиз ҳам яшайди. 1948 йилда туғилган. 17 ёшида икки оёғи шол бўлиб қолган. 1984 йилда отаси ва онаси вафот этган. Олти хонали уй-жой Кумушойга мерос бўлиб қолган. Ўзининг айтишига қараганда, опаси: «Мен сенга қараб тураман, боқаман», — деб ваъда бериб, ҳовлини эгаллаб олган. Афсуски, сўзида турмай Кумушойни қариялар уйига жойлаштирган. Икки йилдирки, у шу ерда. Мен уни ўз фарзандимдек кўриб, қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламан, юпатаман.

Кумушой доимо йўлга термулиб ўтиради. Уйга эга чиққан опаси ёки бирорта ёр-биродари уни кўришга келиб қолишар балки...

Хайрият, дунёда яхши кишилар кўп. Ана шуларнинг бири бизнинг қариялар уйида 25 йилдан буён ширин таомлар тайёрлаб келаётган моҳир ошпаз Марҳамат Каримова бўлади. У кишининг тили ҳам ўзи пиширган овқатларидай ширин. Шу боисдан ҳаммамиз ундан мамнунмиз.

Марҳамат Каримованинг Зиёда исмли чаққон, лобар қизи бор. Ўқишдан ва уй юмушларидан бўш қолган пайтларида онасига ёрдам бериш учун ошиқади.

— Қизгинам, сен ҳали ёшсан, ким сени бу ерда ёрдам беришга мажбур қилмоқда? — деб сўрадим бир куни.

— Ҳеч ким, — ийманибгина жавоб берди Зиёда. — Ёш эмасман, ҳозирдан ҳамма ишни ўрганишим керак.

Қариялар уйида Марҳамат Каримовага ўхшаган меҳрибонларимиз оз эмас, Шуларни кўрганимизда кўнглимиз тоғдай кўтарилади. Меҳр-оқибатли бўлганга нима етсин!

Абдулла ҲАЙТОВ,
II гуруҳ ногирон. Оҳангарон шаҳри.

АЁЛДАН БОШЛАНУР АСЛИ ГЎЗАЛЛИК!

● Ривоят қилишларича, бир оролчада фақат аёллар яшаркан. У ерда бирортаям эркак зоти йўқ экан. Эркаклар аёллар ёнига боришни орзу қилишаркан-у, лекин боролмас эканлар. Борганлариям қайтиб келмай, ўша оролчада ҳалок бўлишаркан. Бунинг сирини эркаклар билолмай хуноб бўлишибди.

Кунлардан бир куни бир йигит оролчага борибди. Аёллар дарҳол унинг қўл-оёқларини боғлаб, ўлдиришмоқчи бўлишибди. Йигит аёлларга разм солиб қараса, ҳаммаси бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай гўзал эмиш. Йигитнинг хаёлига ажойиб фикр келибди.

— Мени оролларингиздаги энг хунук аёл ўлдирсин — дебди.

Ҳар бир аёл ўзининг гўзаллигига ишониб, йигитнинг ёнига йўлай олишмабди.

Шундай қилиб, доно йигитнинг биргина ақлли гапи билан оролчада ҳаёт бошланиб кетибди...

Ҳа, аёллар гўзаллик рамзидир. Аёл борки, оила гўзал, фарзанд гўзал, гуллар гўзал, юртлар гўзалдир! Ҳар қандай гўзаллик аёлдан бошланади.

Мен аёллар ҳақида гапирар эканман, онам кўз олдимда намоён бўлади. Барча гўзалликни онам тимсолида кўраман. Онамнинг кўзларига тикиламан. Кўзларида мунг, маюслик. Уни оила, биз олти бола ташвиши, баъзи камчиликлар ва етишмовчиликлар анча қийнаб қўйибди. Қалбим ўртанди.

Эй, мени бағринг билан парвариш қилган, она, қўй ўксима! Фақат дилдан кулгин, онажон! Бизни ўксимасин деб ўзингни ортиқ қийнама, она! Бизга сенинг соғлигингнинг ўзи кифоядир! Эй, менга борлиғини бағишлаган она, кел, ғаму ташвишларингни унут! Ҳалигача бешигим тепасида куйлаган аллаларингга тенг шеър ёзолмадим. Бемор ётганимда мен учун тортган қайғуларингга тенг қайғу ҳис қила олмадим, онажон! Онажон, сенинг олийжаноблигинг, меҳрибончилигинг олдида бир умр қарздорман. Доимо сенинг қаршингда тиз чўкиб, таъзим қиламан! Онажон, мени деб оқарган оппоқ сочларингни, мени деб ажин тушган юзларингни ўпиб, раҳматлар айтаман. Бахтимизга доимо омон бўл!

Аёлдан бошланур асли гўзаллик,
Аёлдан бошланур бу ҳаёт-мамот.
Аёлдан бошланур юрт гўзаллиги,
Аёлдан бошланур тинчлик, фароғат.

Нигора ҚУЗИЕВА,
Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ ноҳиясидаги Ғалаботир қишлоғи.

• Ёзги юмушлар

КАБИРОВНИНГ ТАШВИШИ

● **СУРХОНДАРЁДАГИ энг йирик саналган Хонжиза дам олиш масканидаги 12 қуилик ҳордиқнинг баҳоси 1100 сўм этиб белгиланяпти.**

Дам олишдан кўра шунча пулга бир кўйлак олиб кийишни афзал билишяпти чоғи, ҳордиқ талабгорлари камайиб қолди. Маскан раҳбари И. Кабировнинг айтишича, июнь ойи давомида 350 ўриннинг 300—310 таси бўш қоларкан.

Бу ҳолдан, табиийки Кабиров ташвишда. Жамоада 120 хизматчию одам ишлаб турувди. Дам олувчиларнинг камайгани боис бўлиб, энди ҳар уч ходимдан иккитаси «дам оляпти». Улар эртага маош сўрашади. Маош дарёдан оқиб бораётган сув бўлмасаки...

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

БУГУННИНГ ГАПИ

● **Юрган — дарё, ўтирган...**

● **Колхоз «пул» ишлаб чиқармоқда.**

● **Иш кунига... газлама.**

Шу замонда бир ташвишни бирёқлик қилмасингдан, бошқаси қўзиқориндай бодрайди-я. Қимматчиликнинг шафқатсиз найзасига оширилган маошни қалқон қилдик. Маош — бор. Маош — катта. Энди — пул кам. Пул — йўқ. Оқибатда, ўша «катта» маошни икки-уч, ҳатто, тўрт ойлаб олишнинг иложи бўлмаётгани дард устига чипқондай алам қилмоқда. Айниқса, ҳалитдан қарз ботқоғига ботиб қолган қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчиларига қийин бўлмоқда. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, вилоят бошлиқлари одамларнинг маоши учун 45 миллион сўмдан зиёд пулни етказиб беролмай турипти.

Маошини вақтида ололмаган одам кимга арз қилсин. Кассир ўзини панага олади. Раис, банк пул бермаяпти, дейди. Банк бошлиғи, менинг пул заводим йўқ, дейди. Савдо ташкилотининг бошлиғи, ҳар қалай биз савдо-сотиқ режасини юз фойизга бажариб қўйганмиз, деб елка қисади. Солиқ назорати идоралари ишни... бундан буён яхшиламоқчи. Хуллас...

Лекин, ҳамма ҳам чорасиз қолган одамлар ўйлаб топган «осмон узоқ ер қаттиқ», деган гапни тиловат қилиб, қўл қовуштириб ўтиргани йўқ.

Термиз районида, масалан, «Янгиариқ» (илгари «Октябрь 40 йиллиги») жамоа хўжалиги бор. Хўжалик деярли йил бошидан қарзга ботди. Май ойига келиб, қарз йигирма миллионни қоралади. Раис бозор Усанов тўғриси, одамларга ботиниб қарашга қийналадиган бўлди.

Колхоздаги пахта толасига харидорлар келди: «Толанинг тоннасини етмиш мингдан сотинг, — дейишди. Раис сотмади. — Тўқсон минг, э, келинг-е, юз мингдан, сотинг, — дейишди. Раис яна сотмади. Биржасиям — колхоз: брокер деганиям — колхоз, дедида, кунларнинг бирида раис кўзни чирт юмиб, Чебоксари шаҳрига отланди. Тўқимачилик комбинати раҳбарлари билан нарх устида бир ҳафта оёқни тираб, тортишди. Охири, толанинг тоннасини 146 минг сўмдан сотадиган бўлди.

Биринчи савдодан колхоз хазинасига 28 миллион 43 минг сўм пул келиб тушди. Иккинчи савдодан — 14 миллион 600 минг. Шу пулнинг 11 миллион 600 мингига газлама—чит, сатин кабиларни олиб келдилар. Яқин орада яна 100 тонна толани пуллайдилар.

— Қайси қуни 8-бригаданинг одамларига 40 минг сўмлик газлама сотилди. Ўша пул механизаторларнинг иш ҳақи учун улашилди, — дейди колхоз касаба уюшмасининг раиси Ўроқбой Давлатов.

Ҳозир колхознинг хазинасида 7 миллиондан зиёд пул бор. Лекин, юқорида айтганимиздек, банклар ҳисобида пули борлар билан ҳам рисолашдагидек олдиберди қилишолмаяпти. Пул сўрасангиз, банкда пул йўқ, пул заводимиз йўқ, деб тураверишса, нима дейсиз.

Янгиариқ жамоа хўжалиги раҳбарлари бу муаммони ҳам четлаб ўтишнинг йўлини ўйлашяпти.

— Колхозчиларнинг иш кунига, масалан, газлама, буғдой, гуруч, ўсимлик мойи берамиз. Матодан кийим тикиб сотишни йўлга қўямиз. Ҳатто, гўшт, сут беришимиз мумкин, — дейди Бозор Усанов. — Раҳбармизми, элнинг олдида, бўлганимиз — шу, деб елка қисиб туришга ҳаққимиз йўқ.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган шаҳар ҳокимияти ва хотин-қизлар қўмитаси маҳаллаларда хотин-қизлар иштирокида «Бир пиёла чойга марҳамат» мавзуида суҳбатлар ўтказмоқда.

Суратда: меҳнат фахрийси, собиқ адлия ходими Хожирахон опа Қирғизбоева фаол аёллар даврасида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

МЕҲРИМ ПАЙВАСТА БЎЛСИН

● ОДОБНОМА

Шукр, дунёда яхшилар бор. Шу яхшиларнинг меҳри-саховати, босган тўғри қадамлари айрим ёмонликни, хатоларни енгиб ўтишимизга ёрдам бераяпти.

Қува районидаги «Бўстон» колхозига борганимда бригадир Холисхон Ғозиеванинг хонадонида беихтиёр ушбу суҳбат гувоҳи бўлдим. Тўпланган беш-ўн чоғли қишлоқ аёллари ўзаро ҳурмат билан ҳол-аҳвол сўрашиб, самимий гаплаша кетишди:

— Ҳа, яхшиям шу Ҳабибахон аямлар, Холисхонлар бор экан, Мукаррамхон омон қолди. Барака топишсин, шулар.

Бу гапни айтган Нурхон ая оддийгина кийинган, бир умр далада ишлаб эзилганлиги кўриниб турибди.

— Мукаррамхон ким ўзи? Унга нима бўлганди? — деб сўрадим ундан.

Нурхон ая жуда камтар, камсуқум эди. Гапни нимадан бошлашни билмай бироз ҳаяжонланиб турганди Ҳабибахон ая ҳикояни бошлаб юбордилар:

— Мукаррам... Нурхоннинг қизи. Нурхон эса менинг овсиним, — деди у.— Яқинда Мукаррам операция бўлиб бир ўлимдан қолди. Шу йил қиш чилласида денг, Мукаррамнинг қайнонаси Робихон ая Тошкентдаги қудаларинникига қизларини кўргани кетсалар, Мукаррам омон бўлгур болани бешикка белаб, уйларни қатран қилишга тушибди. Кейин бир дунё кир тўплаб, ҳовлида —захда тўхириб ювиб, кранининг яхтак сувида чайқаб ёйибди. Ҳой, агар жони пўлатдан бўлгандаям одамдан совуқ ўтиб кетадику! Ҳа, ўзи сира тиниб-тинчимайдиган литрак-да. Бўлмаса қайнонаси минг марта тайинлаб кетган экан: болаларингизга қараб, тинчгина ўтиринг деб. Қарабсизки, кечга бориб, биқинида қаттиқ санчиқ турган. Искорийда тўппа-тўғри туғруқхонага келтиришиб денг, ўзларича «женский касал» деб, тахмин қилиб, шошилинч операция қилишган. Қарашсаки касаллик йўқ. Кейин Фарғонадан дўхтир чақириб, жигари атрофини очишган. Кейин бирдан қон босими пасайиб, қон айланиш тўхтай бошлагач, ана энди югур-югур, тезроқ қон топинглар, деб тиқилинч қилишган. Ҳаммамиз етиб борганмиз денг, уёққа чопамиз, буёққа чопамиз. Аксига олиб Мукаррамнинг қон группаси ҳалиги камдан кам одамда учрайдиган хилидан экан. Район бўйича бор-йўғи олти кишининг қони шунақа камёб туридан экан. Қани энди ўша олти кишини топиб бўлса. Ҳаммаси ҳар хил иш билан ҳарёққа кетган.

Холисхон тушмагур қўлида рўйхат билан зир югуриб, ҳартугур сандиқсоз Машрабжон Тўхтасиновни топиб «Барака топкур, юз граммгина қон беринг, тўртта ёш боласи бор шу аёлгинани», деб касалхонага нақ учириб етказиб келди. Омон бўлгур Машрабжон юз грамм эмас, Мукаррамнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қанча қон керак бўлса шунча берди. Эвазига пул, совға-салом ҳадя этмоққчи бўлгандик хафа бўлиб кетди: Мукаррам мендан ёш бўлсалар, синглим, катта бўлсалар опам бўлиб қоладилар, деди мамнун.

— Машрабжон нақ қиёматли укам бўлиб қолди... — гапга қўшилди ҳамон хўрсиниб ўтирган Нурхон ая. — Ўзим етим ўсган эдим, бошимга хўп жабру жафолар тушган эди. Энди буёғига ғам-ташвишни кўтаргудек ҳолим йўқ. Шу овсиним, овсинимнинг қизи Холисхон кўп елиб-югуришди. Кеча-кундуз боламнинг қошида бўлишди. Мана, худога шукр, оёққа турди болам.

— Куёвингиз Анваржоннинг қайғу чекканлари-чи?! Бай-бай, жонини узиб беришга тайёр турди-я. Хотинини жудаям яхши кўраркан-а. Илойим қўша қаришсин-а!, — Ҳабибахон ая кўзлари чақнаб, ҳаяжон билан сўзлайди.

Мен эса бу овсинлар ўртасидаги меҳр-оқибатга қойил қоламан. Билишимча улар узоқ йиллар бир ҳовлида яшаб, бир қозондан овқатланиб, овсин эмас, нақ опа-сингил бўлиб кетишган экан.

Яна Ҳабибахон аянинг гапларига қулоқ соламан:

— Анваржон тушмагур нима дейди денг: Мукаррам, кўп уринма, ўзингни эҳтиёт қил дейман, йўқ, ҳар куни сахарда туриб кетади. Ҳовли супиради, нон ёпади, сигир соғади. Яна далага ишга чиқади. Аёл киши бундоқ ўзиниям ўйлаши керак экан-да, — деб афсусланади.

Мукаррамнинг қайнонаси Робияхон ая эса ўша куни Тошкентда бир кеча ётибоқ кўнгилларига ғулғула тушиб, етиб келдилар.

Яхшига ипак илашур,
Ёмонга — тикан
ХАЛҚ МАҚОЛИ.

«Вой, Тошкентга бормай мен ўлай», дейдилар нуқул, шатта бўлсам, сандални бозиллатиб боламни тоблар эдим-а, операция қилдиргани қўймасдим-а. Совуқ ўтган-да болагинамдан.

Анваржоннинг ўртоқлари Хотамжон, Бахтиёржон, Даминжон, Илҳомжон, Ихтиёржон уч кунгача касалхона остонасида тик туришди. Машиналари хизматда бўлиб, қаердан қанақа дори-дармон топиб келиш керак бўлса тинимсиз қатнаб туришди.

— Қизимнинг қайнағаси Муроджон ҳам мардлик қилиб, укаси Анваржоннинг ёнида бўлди. Қайнисинглиси Олимахон барака топкур эса Мукаррам соғайгунча болаларини уйига олиб бориб, уларни оқ ювиб, оқ тараб, едириб-ичириб ўтирди, — дейди Нурхон ая миннатдор бўлиб.— Айниқса Холисхон дўхтирларниям оёққа турғизиб, боламнинг қошидан кетмади. Илойим мендан қайтмаса болаларидан қайтсин яхшиликлар...

Меҳнаткаш, жафокаш Нурхон аянинг ва дўхтирларнинг хатоси туфайли ортиқча азоб чеккан Мукаррамнинг илтимосига биноан мен билиб-билмай жарроҳлик қилган «шифокорлар»нинг номини айтмадим. Уларнинг ўз виждонларига ҳавола. Аксинча, ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб беришга қодир бўлган, ўзлари ҳам, касблари ҳам оддий, лекин бир-бирларига меҳру оқибатлари баланд одамларни бир оғиз қаламга олгим келди.

Санъат МАҲМУДОВА.

САВОБЛИ ИШ

● **ХОРАЗМ вилояти матбуот бошқармасининг «Хоразм» таҳририят-нашр бўлими яқинда «Жаноза ва дуо савоби» деб аталган ғоят зарур рисолани 10 минг нусхада босмадан чиқариб савобли иш қилди.**

«Диний мавзуда мусоҳаба» рукнида чоп этилган бу рисолада Ислом динининг жаноза ва дуо-фотиҳа саволларига оид айрим жиҳатлари мухтасар ифода этилган бўлиб, уларни билиш ва амал қилиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мўъжаз бу рисолани таниқли шоир, Жумҳуриятда хизмат кўрсатган журналист Фозил Зоҳид диний манбалар асосида тайёрлаб ўз ҳисобидан нашр эттирган, унинг чоп этилишига эса Хоразм вилоятининг бош имом хатиби, жумҳурият халқ ноиби Аҳмаджон Ҳожи Муҳаммад Саид Раҳматуллоҳ ўғли фатво берган.

ТАРИХНИ ҲАҚҚОНИЙ ЎРГАНАЙЛИК

Ўттизинчи йилларда Ўзбекистон халқлари тарихи сохталаштирилди ва ягона сиёсий ғоя манфаатига бўйсундирилди. Кейинчалик ҳам бунга жиддий ўзгаришлар киритилмади. Тарих соҳасида яратилган дастур ва дарсликлар ўзининг мақсади, мазмуни ҳамда тузилиши жиҳатидан талабга жавоб беролмай қолди. Бунга барҳам бериш ўрнига Ўзбекистон халқлари тарихига паст назар билан қаралди.

Шу туфайли тарих ўқитиш миллий заминдан ажралиб қолди. Олий мактабларда Ўзбекистон халқлари тарихи бўйича муаллимлар тайёрлашга етарли аҳамият берилмай келинди. Ҳозиргача олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчи ҳамда талабалари учун Ўзбекистон халқлари тарихи бўйича дастур ва дарсликлар яратилмади. Шуни назарда тутиб, яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти биргаликда «Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишнинг долзарб муаммолари» мавзуида республика илмий-методик анжуманини ўтказишди. Анжуманни институт ректори, профессор К. Юсупов кириш сўзи билан очди. Анжуман Ўзбекистон халқлари тарихини ҳаққоний ўрганишга бағишланди. Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори Б. Аҳмедов «Ўзбекистон халқлари тарихи муаммолари», тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. Зиёев «Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши тарихидан», профессор А. Саъдиев «Мактабда Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш муаммолари», тарих фанлари доктори К. Оқилов «Ўзбекистон халқлари тарихи энг янги даврининг яратилиши масалалари», доцент М. Исоқова «Жадидчилик ҳаракатининг ўрганилиши» ҳақида маъруза қилдилар. Нотиқлар ўз маърузаларини асосан биринчи манбалар асосида тайёрладилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихчилари ўзларининг илмий-методик анжуманида кенг тадбирлар ишлаб чиқишди. Жумладан, мактабларда тарих таълими тизимини яратишни, унда тарих ўқитишга миллий асос бўлиб хизмат қиладиган Ўзбекистон халқлари тарихининг устиворлигига эришиш, дастур, дарсликлар, қўлланмалар яратишни тезлаштириш каби муҳим муаммоларни ҳал этиш масаласи илгари сурилди.

А. РАҲИМОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

«ТОРГ»ЛАР КЕРАКМИ?

● Луқма

Қарши шаҳридаги савдо марказининг газмоллар дўконига кирдик. Савлатидан фил ҳуркадиган икки йигит пештахтага қўйилган иккиуч хил атласга термулганча бош қашиб ўтиришибди.

— Бугун қанча савдо қилдингизлар? — сўраймиз улардан.

— Бир метр ҳам сотганимиз йўқ.

— Нега?

— Нега бўларди, — деди хунаби ошиб улардан бири. — Атласнинг метри 100 дан ошиб кетди. Бунинг устига кўриб турибсиз, ҳали ҳам пештахталаримиз бўм-бўш.

— Материал беришмаяптими?

— Билмасак. «Текстильторг» базасида материал кўп дейишяпти. Аммо олиб келишмаяпти!...

Жавобни қаранг мантиқсизлигини, ҳеч вақт олма пишиб оғизга тушганми?..

Қарши шаҳрида энг йирик дўкон «Зуҳра» магазинининг пештахталари бўм-бўш. Эссиз «Зуҳра». Каттагина дўконнинг бутун бошли газмол бўлимида бор-йўғи уч-тўрт хил материал бор, холос. Унинг ҳам икки хили атлас. Бунинг устига уларга нарх ёрлиқлари қўйилмаган. Марказий универмаг ва универсал магазинларда ҳам аҳвол шу. Хуллас, магазинлардан файз кетган.

Хўш, нега дўконлар бундай «камбағаллашиб» қолди. Тўқимачилик комбинатларида иш тўхтаб қолганми? Йўқ, асло. «Текстильторг» базасида истаганча ранг-баранг материаллар борлигини айтишди. Афсуски, дўконларга чиқарилмаяпганлигини ҳеч ким изоҳлай олмайди.

Кейинги пайтларда кир совун, сода, гугурт каби моллар ҳам анқонинг уруғига айланди. Лампочка, дазмол, чинни буюмлари сингари кундалик эҳтиёжга зарур молларни шаҳар магазинларидан кундуз куни чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз. Таъминот билан шуғулланадиган мутасадди савдо ташкилотлари раҳбарларининг эса парвойи палак: уларни ҳеч ким безовта қилмаса бўлгани.

Шаҳарда «торг»лар шунчалик кўпайиб кетганки, савдо дўконларидан ҳам зиёдга ўхшайди. «Горторг», «Пишчеторг», «Обувторг», «Хозторг», «Культторг», «Ювилерторг», «Текстильторг», «Галантерея», «Торгодежда», «Спортторг» ва ҳоказолар. Биргина Қарши шаҳрининг ўзида бундай тайёрга ийёр савдо ташкилотлари ўндан зиёд экан. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига икки йилдан ошганига қарамай «торг» деган ўрисча сўзлар мазкур ташкилот ва улгуржи базалар биноси пештоқига мағрур илинганича турибди.

Афсуски, магазинларда йўқ нарса бозорларда, чайқовчилар қўлида истаганча бор. Марҳамат... Аслида дўконларни ғариб ҳолга келтирган ана шундай улгуржи базалар эмасми? Келаётган, ноёбми, серобми, моллар базадан базага ўтказилиб, чайқовчига етсаю, оддий харидор қўлига тегмаса, ўша «торг»лардан не фойда? Улгуржи базалар ўрнига ишбилармон, тадбиркор кишилардан фойдаланиш, биржаларни ишга солиб, дўконлар пештахталарини бойитиш минг марта афзал эмасми? Бу муаммо ҳақида республика мутасадди ташкилотлари раҳбарлари нима деркин? Умуман «торг»лар керакми ўзи?

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИАДАЧИЛАРИ

● **БАРСЕЛОНАДА бошланадиган ёзги олимпиада ўйинларининг тантанали очилишига саноқли кунлар қолмоқда.**

Маълумки, мустақил Ўзбекистон Республикаси спортчилари бу сафарги олимпиада баҳсларида ҳам МДҲ терма жамоаси таркибида иштирок этади. Бордию олимпиадачиларимиз совринли ўринларни эгаллашса, уларнинг шарафига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилиб, мадҳияси чалинади. Спортчиларимиз эса республикамиз спорт шарафини астойдил ҳимоя қилиб, Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллик байрамига муносиб совға ҳозирлашни кўзлашмоқда.

Барселона мусобақаларида нукуслик оғир атлетикачи Сергей Сирцов, тошкентлик гимнастикачилардан Оксана Чусовитина билан Розалия Галиева иштирок этадилар. Шунингдек, енгил атлетикачилардан Дмитрий Палюнин, Виктор Зайцев, Сергей Усов, Елена Свеженцова, Марина Шмонина, Рамил Ғаниевлар югуриш ва найза улоқтириш бўйича маҳорат кўрсатишга тайёрланишмоқда. Мухлислар чапдаст боксчи Артур Григорьянга катта умид боғлашмоқда. Чим хоккейчилар Александр Красноярцев билан Темур Шацкийлар ҳам човгон ўйнатиш ҳаддисини олишган. Эшкак эшувчилар Иван Киреев билан Анатолий Тюринлар ҳам маҳоратларини тобига етказиб туришибди. Қиличбоз Валерий Захаревич ҳам совринли ўринлардан бирини эгаллашга аҳд қилган. Спортчиларимизга омад ёр бўлсин деймиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА
исталган тип ва навдаги
пахтангизни
СОТИБ БЕРАМИЗ
ҳамда
ОЛИБ БЕРАМИЗ.
Республикадан
ташқарига чиқариш
учун руҳсат олишга
КЎМАКЛАШАМИЗ.

Бизнинг телефон: (3712) 39-11-10.
Телефакс 33-72-58

"ДЭЛОС"

Ташкилот
келишилган нархларда
ЛХ -- 44
ипини сотади.
Ҳар ғалтагида 2500 метр.
Телефон Санкт-Петербургда:
(812) 394-19-50, 393-31-24

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАНКИ МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲИСОБ-КРЕДИТ ЎРТА МАХСУС ИЛМГОҲИ
1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Илмгоҳ «Банк иши» ихтисоси бўйича Давлат, Жамғарма, Тижорат, Пайчилар ва Акционерлар банкларида ишлаш учун ўрта махсус, маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлайди.
Кундузги ва сиртқи бўлимларга ўрта мактабни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ:
Кундузги бўлимда 2 йилу 6 ой
Сиртқи бўлимда 3 йил

Илмгоҳга кирувчилар ўрта мактаб дастурлари асосида она тили ва адабиётдан (диктант), ҳисоб фанидан (оғзаки) кириш имтиҳонлари топширадилар.
10-синфни олтин ва кумуш медаль билан ҳамда ҳунар техника билим юртини имтиёзли диплом билан (агар ҳунар-техника билим юрти илмгоҳ ихтисосига яқин бўлса) тугатганлар техникумга имтиҳонсиз қабул қилинади.
Ўқишга кирувчилар илмгоҳ раҳбари номига мутахассислигини кўрсатган ҳолда ариза ва қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.
1. Маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асли.
2. Соғлиғи ҳақида медицина ҳужжати (086/У формали).
3. Бош кийимсиз 4 дона фотосурат (3×4 см ҳажмда).
4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
5. Ишлаб чиқариш ташкилоти йўлланмаси.

ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ:
Паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий билет.
Аризалар 1 августгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:
Кундузги ва сиртқи бўлимларга 15 июлдан 15 августгача.
Илмгоҳ ўқувчилари сафига қабул қилиш кундузги бўлимда 19 августда, сиртқи бўлимда 22 августда ўтказилади.
Илмгоҳда ўқувчилар умумий қондага асосан стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

ИЛМГОҲ МАНЗИЛГОҲИ:
Марғилон шаҳар, Ленин кўчаси, 123а-уй. «Марғилон—Эшонгузар» автобусининг ҳисоб-кредит илмгоҳи бекати.

РЕСПУБЛИКА ТАҲРИРИЯТЛАРИ ВА НАШРИЁТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг республика матбуот тарқатиш маркази 1993 йилда давлат алоқа корхоналари орқали даврий нашрларни ҳам обуна бўйича, ҳам чакана савдо йўли билан тарқатишни таъминлаш соҳасида ўз хизматларини таклиф этади. Бунинг учун таҳририятлар ва нашриётлар шу йил 13 июлдан кечиқмай республика матбуот тарқатиш маркази билан шартнома тузишлари керак.

Шартномаси тузилмаган нашрлар 1993 йил учун чиқариладиган газеталар ва журналларнинг республика каталогига киритилмайди.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ ТАРҚАТИШ МАРКАЗИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институти жамоаси собиқ лаборатория мудири, пенсионер

Маъриф ҒУЛОМОВнинг

вафоти муносабати билан оиласига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзқишлоқлойиҳа» республика лойиҳа институти жамоаси институт директори Ғ. С. Аъзамовга қизи

Гулнора РАҲИМХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият пилла етиштириш бирлашма жамоаси шу бирлашма бош директорининг собиқ ўринбосари Қ. Хакимовга рафиқаси

Лутпихон ТУХТАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Тараққиёт истиқболини белгилаш комитеги Наманган вилояти ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти ва жойлаштирилишини белгилаш ҳамда иқтисодиётни уйғунлаштириш комитети раиси

Маъсудхон МУМИНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.
● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
Буюртма № Г — 127.
№ 133.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.